

Халқ Сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI VA ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHQAMASINING GAZETASI

22 июнь, шанба, 1996 йил
Сотула эркин нархда. № 126 (1379)

ЎЗБЕКИСТОН— ЕВРОПА ИТТИФОҚИ: ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ БИТИМ

ФЛОРЕНЦИЯ, 21 июнь. (ЎзА мухбири Амиркул Карим хабар қилади):

Кеча Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримов Италиянинг Пиза шаҳрига етиб келди

Шу кун Ислоҳ Каримов мамлакатнинг Флоренция шаҳрига ташриф буюрди. Айни кунларда жаҳон жамоатчилигининг диққат-эътибори Италиянинг ана шу қадимий шаҳрига қаратилган. Шаҳарнинг «Фортеза да Бассо» қўрғонига Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат раҳбарларининг олий даражадаги учрашуви бўлиб ўтмоқда. Бугун ана шу олий даражадаги учрашув доирасида Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи

уртасида шериклик ва ҳамкорлик тугрисидаги битим имзоланиши кутилмоқда.

Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримов маъмур тарихий битимни имзолаш маросими олди-дан Италия Республикаси Президентини Луиджи Скальфаро, Италия Вазирлар Кенгаши Раиси уринбосари В. Велтронни билан мулоқотда



булди.

Ўзбекистон Президенти ўзи учун ажратилган «Ла Масса» қароргоҳида Италиянинг «Эни» миллий нефть ва газ агентлиги президенти Гильермо Мускатони ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Фата» компаниялар гуруҳи президенти Ди Розани қабул қилди. Бугун Ўзбекистон раҳбари «Фортеза

да Бассо» қўрғонига Европарламент раиси Клаус Ханн билан учрашди. Эртага эса юртбошимизнинг Тоскана вилояти раҳбарлари ҳамда ишбилармон доиралари, Италия оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувлари, қадимий Флоренциянинг диққатга сазовор жойлари билан танишуви кўзда тутилган.

Президент Ислоҳ Каримовнинг Италияга ташрифи давом этмоқда. (ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHQAMASIDA

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1996 йил 18 июнда «Товарларни экспорт қилишни тартибга солишни эркинлаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 219-сон қарор қабул қилди.

Вазирлар Маҳкамаси ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишни тартибга солишни эркинлаштиришга оид чора-тадбирларни амалга ошириш, экспортга маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарни рағбатлантириш мақсадида:

— 1996 йил 1 июндан бошлаб 17 номдаги қўйилган товарларга (товар гуруҳларига): молларнинг ичак-чоқларини, сунг ва музу, терилган гул ва гулча, ерғоқ, қунжут уруғи, беда уруғи, атир-упа ва доришносликда ҳамда бошқа мақсадларда фойдаланиладиган усимликлар, уларнинг алоҳида қисмлари, сувлар, шу жумладан, маъданли ва шакар ҳамда бошқа ширин қилувчи моддалар қўшилган газли сувлар, ош тузи, араланган мармар, араланган гранит, нефть мойлари қолдиқлари, сочга мўлжалланган воситалар, совуни, нефть смолалари, полимер қувурлар, трубкалар, шланглар, пластмассадан ишланган қурилиш деталлари экспорт бож поштиналарини бекор қилишга қарор қилди. Бундан ташқари, бутиллар, шишалар, банкалар ва бошқа шиша идишлар (буш), шунингдек, алюминийнинг ихтисослашган қўшимчасига экспорт бож поштиналарини тегишли равишда 20 фоиздан 5 фоизгача ва 40 фоиздан 10 фоизгача қаматтирилди.

— 1996 йил 1 июндан бошлаб қанд-шакар, этил спирт, руда ва металл концентратлари, захари илонларини экспорт қилишга чеклашлар бекор қилинди.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати 1997 йил 1 январдан бошлаб экспорт қилишга бошқа чеклашларни ва экспорт тарифларини бекор қилиш ниятида эканлигини маълум қилади.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚЎМИТАСИДА

Маълумки Олий Мажлиснинг утган IV сессиясида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг иккинчи қисми биринчи ўқишда қабул қилинган эди. Айни пайтда Олий Мажлисида ушбу ҳужжат устида қизғин иш олиб борилаёпти.

Уни шарҳлаш учун Олий Мажлис Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раисининг уринбосари Н. Исмоилова мурожаат қилди.

— Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси энг катта ва кенг қўламли ҳуқуқий ҳужжатлардан бириндир, — деди Н. Исмоилова. — Шу боис у депутатларимиздан катта куч ва билим талаб қилаёпти. Маълумки депутатларимизнинг биринчи қисмини тайёрлаш жараёнида қаттиқ меҳнат қилинган. Ана шу тажрибалар қўл келиб, маълум билим ва йўналишга эга бўлганлигимиз учунми маъмур Кодексининг иккинчи қисми устидаги иш бир қадар жонли ва тез кечаяпти. Аниқроқ қилиб айтганда қўмитамиз икки ҳафтадан буён Олий Мажлис раҳбарияти, Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси, Иқтисодий ислохотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш қўмитаси, Конституциявий суд, Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси прокуратураси, Олий суд, ЎзФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти вакиллари, мутахассис ҳамда олимлар билан ҳамкорликда иш олиб боришти. Кодекснинг иккинчи қисми лойиҳаси иккинчи ўқишдан кейин Олий Мажлиснинг навбатдаги сессиясига қиритилиши мўлжалланмоқда.

«Халқ сўзи» мухбири И. ХУДОЕВОВ ёзиб олди.

ЁНИЛГИ МУСТАҚИЛЛИГИ ЙЎЛИДА

Қорувоборда нефтни қайта ишлаш заводи қурилиши қизғин давом этмоқда. 20 июнь кун республика Бош вазирининг биринчи уринбосари Н. Жўрабеков, Бош вазир уринбосари Р. Юнусов, Бухоро вилояти ҳокими М. Раҳмонов фойдаланишга топширилган ишхоналарни бориб кўрдилар.

Қурувчилар билан суҳбат чоғида уларнинг ишига юқори баҳо берилди.

Шу кун завод қурилиши республика шتابининг кенгайтирилган йиллиги бўлди. Йилгида корхона қурилишида ўтган беш ойда бажарилган ишлар атрофида таҳлил этилиб, ишчи ва хизматчилар астойдил меҳнат қилаётгани, машина-механизмлардан унумли фойдаланилаётгани таъкидланди. Франциянинг «Текнеп» ва Туркиянинг тегишли фирмаси ишчи ҳам таҳсинга сазовор эканлиги қайд этилди. Айни вақтда қурилишда иштирок этаётган «Узнефтахкурлиш», «Узсановатхўжалиқкурлиш», «Узсувкурлиш», «Узпрокурлиш», Навоий қурилиш бошқармаси, «Узжамоатхўжалиқкурлиш», «Узмонтажмахсукурлиш» уюшмасига қарашли тизимлар белгиланган режани уддалай олмаётгани кескин танқид қилинди. Бу борадаги барча камчиликларга барҳам бериш, завод қурилишини янада жалдлатириш, ички имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш юзасидан аниқ топшириқлар берилди.

ЯНГИЛИКЛАР

«Халқ сўзи» ва «ЎзА» мухбирлари хабар қилдилар



Тоғаймурод Юсупов Гузар туманидаги Я. Оқунбоев номи жамоат ширкат хўжалигида энг намунали дехқон — фермерлардан. Қашқадарёда биринчилардан бўлиб ташкил этилган бу фермер хўжалиги айни пайтда кўп соҳани қамраб олади. Хўжалиқ бу ерда 80 дан ортти қорғоғ, қарғиқа яқин 100 туя мавқуд. Шунингдек, фермер хўжалигида тоғишли тегирмон қизғинликда қишлоқ ақли баҳарини бўлипти. СУРАТДА: фермернинг яқин қўмақдоши О. Мингобова. Ш. ШАРОПОВ олган сурат.

АРТУР ГРИГОРЯНГА ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАСИ

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтида шу институтининг соғиб талабаси, профессионал бокс бўйича жаҳон чемпиони Артур Григорянга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг соғаси — «ГАЗ-31» автомобилни топшириш маросими бўлди. — Менга қўрсатган мамурлиги ҳамда боқиси ривожлантириш ва уни тарбия қилишга қўшган каттагина ҳиссамани оқсак баҳолашни учун Президентимиздан беҳад миннатдорман, — деди Артур Григорян. — Иқтисодий қийинчиликларга қарамай, спортни, жумладан боксини ривожлантиришга катта эътибор берилган мамлакатим билан фахрланман. Бундан кейин ҳам йиллик халқаро мусобақаларда спортчиларимиз шароғида Ўзбекистон Республикаси мадрисини янгираш учун қўлимдан келган барча ишни қиламан.

ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ

21 июнь кун Тошкентдаги Киночлар уйида «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини мустаҳкамлашда касба уюшмаларининг ўрни» мавзусида икки кулик халқаро амалий-амалий конференция бошланди.

Анжумани республика Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ва Тошкент давлат университетини қўллаётган олий педагогика институти ўтказилди. Унда тегишли вазирлик ва идоралар, касаба уюшмалари ташкилотлари, тармок марказий қўмиталари, олий ва ўрта махсус ўқув юрталари раҳбарлари, олимлар, шунингдек, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркиястон ва Тожикистон касаба уюшмалари кенгашлари вакиллари иштирок этмоқда.

Конференция олдидан унинг қатнашчилари Амир Темуэр хўбонидидаги буюк сохибдорон хайкали, Ўзбекистон Миллий Ёгонидидаги Алишер Навоий хайкали пойига гуллар қўйдилар. Анжуманда Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси Х. Жамолов кун тартибидидаги масала юзасидан маъруза қилди. Шунингдек, юридик фанлари доктори Х. Одиқориев, тарих фанлари доктори Ш. Шарофов, Тошкент вилояти касаба уюшмалари кенгаши раиси М. Тўлағанова, иқтисод фанлари доктори А. Абдуғаниевнинг Ўзбекистон касаба уюшмалари тарихи, иқтисодий ислохотлар жараёнидаги ўрни хусусидидаги маърузалари тинланди.

22 июнь кун анжуман қатнашчилари шўбаларга бўлиниб ишчи давом эттирдилар. Конференцияда Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев иштирок этди.

ҲАШАР ЙЎЛИ БИЛАН

Жиззахдаги «Сўғдиёна» стадиони ҳудудида янги теннис корти фойдаланишга топширилди. У ҳашар йўли билан қурилди. Шу йил август ойида бу ерда шаҳар ва туман ҳокимлари, ташкилот ва идоралар раҳбарлари иштирокда вилоят ҳокими кубоғи учун мусобақа ўтказилди.

БУГУННИНГ ГАПИ

«ФРЕЦЦА» КОМПАНИЯСИДАН ОЛИНГАН «НОУ-ХАУ»

Тошкентда, бу ерда анианага айлانган «Идора ва банк» кўрғазмасида «Фрецца» Италия мебель компаниясининг Ўзбекистондаги фаолияти билан таништириш маросими бўлди. Компания ва унинг маҳаллий шериги — Тошкентдаги «ЦМИ» инновация фирмаси вакиллари республика ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг журналистлари билан учрашдилар.

«Фрецца» ишлаб чиқарётган маҳсулотлар жаҳон мебель боқорини машҳур бўлиб, ишлаб чиқаришини бу соҳасида «Нуфузли» деб эътироф этилган Германия, Испания, Франция фирмалари билан муваффақиятли рақобат қилмоқда. Бу компания асримиш бошларида Венеция яқинида ташкил этилган эди. Ҳозир унинг қароргоҳи Видоре шаҳрида жойлашган бўлиб, низоом жамғармаси уч миллиард Италия лирасига тенг, Италиянинг шимолида қўдратли мебель фабрикалари тармоғига эга, фақат Европада эмас, жаҳоннинг бошқа қитъаларидаги кўп мамлакатларда ҳам компаниянинг корхоналари ва ваколатхоналари бор. Компания асосан идоралар ва банклар учун мебель ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Шунингдек, юмшоқ мебельлар, хоналарнинг бир қисмини ажратиб тўсалиган жиҳозлар ишлаб чиқарди. Мутахассисларнинг расмий баҳолига қараганда, фирманинг мебельлари безагинини хилма-хиллиги, конструктив ечимларининг янгилиги билан ажралади турди. Журналистларга маълум қи-

лишларича, Италиянинг ўзида 300 дан ортти банк, кўпгина хорижий ваколатхоналар ва йиллик фирмаларнинг, халқаро ташкилотларнинг идоралари «Фрецца» компаниясида тайёрланган мебельлар билан жиҳозланган Италия парламенти ва сенати, мамлакат Президентининг расмий жиҳазлари учун ҳам мебельларнинг катта тажаммуллари сотиб олинган.

Компаниянинг Ўзбекистон билан амалий алоқалари ҳам самарали ривожланмоқда. Компания бу ерда бир неча йил фаол ҳамкорлик қилиб, йиллик савдо оборотини салкам уч баравар оширди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг Италияга ҳозирги расмий ташрифи, шу ташриф чоғида қабул қилинадиган ҳужжатлар тўғрисида Италия ва Ўзбекистон тадбиркорларининг алоқалари тағин ҳам мустаҳкам ва самарали бўлади, уларнинг ҳамкорлиги учун янги истиқболлар очилади, деб ишонч билдирилди. (ЎзА).

ШУ СОНГА ХАБАР

Тошкент кимёвий технология илмий-тадқиқот институтида микрокристал целлюлозаси олиш усули ишлаб чиқилди.

Целлюлозанинг бу тури саноатнинг кўп тармоқлари, жумладан кимё, фармацевтика, озиқ-овқат, косметика саноати учун зарур хом ашё ҳисобланади. Уни пахта ва ёғоч целлюлозаси ишлаб чиқарётган корхоналарда жўрт этиши мумкин.

ФАКТ ВА ШАРҲ

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРНИНГ ДАДЛА ОДИМЛАРИ

Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида»ги Қонунда қимматли қоғозлар бозорининг фаолият юритиши билан боғлиқ энг муҳим тамойиллар белгилаб берилган.

Чунотти, қимматли қоғозлар бозоридида савдонини ташкил этиш ва унинг асосий принциплари, савдо-соттиқ билан боғлиқ битимлар, қимматли қоғозлар бозоридида воситачилик, инвестиция фондининг фаолияти, қимматли қоғозлар юзасидан ўзлаш мажбуриятларини аниқлаш ва хисобга олиш (клиринг), бу жараёнда банкларнинг иштироки, бозорни бошқариш асослари, нархлар котировкаси, инвестиция институтларининг фаолиятини лицензиялаш, қимматли қоғозлар бозоридида реклама ва ахборотнинг ўрни ҳақида атрофила сўз юритилади.

Республикада замонавий молия-банк тизими, қимматли қоғозлар бозори шаклланиб бораётган бир даврда ушбу Қонуннинг қабул қилиниши айни мудоабодир. Шунингдек, энгиллик банклар ва хўжалик субъектлари хисоб-китобларни юритишда векселлардан нафақат тўлов, балки кредитлаш воситаси сифатида ҳам фойдаланилмоқда. Бу ҳол ишлаб чиқаришнинг барча бўғинларида вексель муомаласининг фаол айланиши таъминлаётти.

Маълумотларга кўра, ҳозирчага қимматли қоғозлар бозорига 15.638,2 млн.

UZINFO MARKAZI DUNYO: ENG SUNGGI VOKEALAR

АҚШНИНГ РИВОЖЛАНАЁТГАН ДАВЛАТЛАРГА ЕРДАМИ

Америка Қўшма Штатларининг ривожланаётган давлатларга бераётган ердами 1995 йилда 26 фоизга камайди. Иқтисодий ривожланиш ва ҳамкорлик ташкилотининг ривожланаётган давлатларга ердам бериш комитети маълумотларига қараганда, Қўшма Штатлар 1995 йилда ривожланаётган мамлакатларга ердам тариқасида 7,3 миллиард доллар маблағ ажратган.

ҚЎЗҒОЛОНЧИЛАР АМЕРИКА ФУҚАРОСИНИ ОЗОД ҚИЛИШДИ

Колумбиянинг Сул қўзғолончилари икки йилдан сўнг америкалик миссионерни озод қилишди. Озод қилинган диний даъватчи Рэймонд Райнинг 64 ёшда. Даллосда жойлашган миссионерлар гуруҳи вакилининг айтишича, тутқун учун ҳеч қандай толов туланмаган. Бошқа уч нафар америкалик миссионер 1993 йилдан бери дом-дараксиз қолмоқда.

ЛАОСГА КЎМАК БЕРИЛАДИ

Америка Қўшма Штатлари Лаос ҳудудида бомбаларни излаб топшиш ва зарарсизлантириш буйича икки йиллик дастурни амалга оширишга киришдилар. АҚШ Вьетнам уруши пайтида ушбу мамлакат ҳудудида қолдирган бомбаларни портлаши натижасида миғлаб кишилар ҳалок ва ногирон бўлиб қолди.

22 кишидан иборат ҳарбий мутахассислар лаосликларга артиллерия снарядлари ва бошқа портловчи қурулларни топиб, зарарсизлантиришни ўргатмоқдалар.

ВЬЕТНАМГА ТАШРИФ

Фаластин маъмурияти раҳбари Есир Арафот Вьетнамга ташриф буюрди. Икки кунлик амалий ташриф давомида Фаластин Озодлик Ташкилоти раҳбари Вьетнам Президенти Ле Дик Ань, Вьетнам Коммунистик партияси Бош котиби До Мио ва Вош вазир Во Ван Кьет билан учрашиб, икки мамлакат ўртасидаги дўстона алоқаларни ривожлантириш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилди. «Вьетнам давлати раҳбари Ле Дик Ань Есир Арафот билан учрашувда Вьетнам Фаластин халқининг овозини ва ўз тақдирини ўзи белгилаш йўлидаги курашини қўллаб-қувватлайди, деб баъиот берди.



Тошкентда қад қутараётган Амир Темуэр ва темурийлар тарихи музейида қурилиш жадал олиб борилаёпти. СУРАТЛАРДА: ишчи Ю. Либин; қурувчилар А. Юнусов, И. Тўлаев, И. Боймаков, А. Сайдаволов иш устида. С. ЗУФАРОВ олган суратлар.

ДУШАНБА, 24

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»... 8.30 «Муслик ва замон»... 9.30 «Кашф атиллаётган имкониятлар»... 17.55 Кўрсатувлар тартиби...

ХАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

20.40 «Бу ажаб дунё»... Россия жамоат телевидениеси... 21.30 Эълонлар... 21.35 «Тропиканка сири»... 22.25 -- 22.30 Янгиликлар...

17.55 Кўрсатувлар тартиби... 18.00 «Этига-эти»... 18.40 «Янгиликлар»... 19.10 Спорт хабарномаси... 23.30 «Ахборот»...

Uzbekistan - Germany ТАДБИРКОР БЎЛИШНИ ХОҲЛАЙСИЗМИ? МАРҲАМАТ! Марказимиз САМАРАДОР ТАДБИРКОРЛИК АСОСЛАРИ курсларига таклиф этади...

Table with 6 columns: №, Номланиши, Вилоят, Ассоциация, Миқдори, Битм баҳоси, Сотув баҳоси. Contains data for various trade goods and their prices.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ВАЗИРЛИГИ ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК КОЛЛЕЖИ 1996-1997 ЎҚУВ ЙИЛИДА ҚЎЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАРГА: 1. ЎСИМАЙЛАР МУҲОФАΖАСИ... 2. ЕР ТУЗИШ ВА ЕР КАДАСТРИ... 3. ФЕРМЕР (ДЕҲҚОН) ХЎЖАЛИГИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ... 4. АГРОСАНОАТ КОРХОНАЛАРИДА ТИЖОРАТ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ...

ФИРМА КУТАРА ВА ЧАКАНАГА ШАМПУНЛАР, ОЛМОН ПИВОЛАРИ, АВТОШИНАЛАР (ишлатилган), ҚУЁШДАН ҲИМОЯЛОВЧИ КЎЗОЙНАКЛАР, АВТОМАГНИТОФОНЛАР, СОЯБОНЛАР (зонтик) ва бошқа молларни «РАҲИМИЙ ВА ЎҒЛИ» фирмасининг манзили: Халқлар дўстлиги шоҳ кўчаси, Олмазор 11А тел: 45-79-81, 45-79-96.

Ўзюлатқурилма трести жамоа корхонасининг механизация бошқармаси корхоналар ва қурилиш ташкилотларига ўз тасарруфидаги: МКПС-100, КТ-100, КС-8167,8362, СКП-63/100, СКТ-60,60/63, МКТ-60, МКТ-256Р, МКП-25, 25А, 16, 16А, КМТ-8, 6, 3, МСА-10/20, АК-32, СКТ-407, ТТ-123 русумли автокранларни ва ўзи юрар кўтарма кранларни фойдаланиш учун тавсия этади.

«Ўзсувқурилиш» давлат концерни бошқаруши «Тошкент сув қурилиш» трестининг бошқарувчиси Х. Маддалиева оғани Сангил ва МАДАЛИЕВанинг вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия билдиради. Тошкент Архитектура-қурилиш институти жамоаси Самарқанд давлат Меъморчилик қурилиш институти ректори, профессор Рустам Холмуродов оғани ИБРАГИМ отанинг вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

ШАНБА, 29

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»... 8.00 -- 8.25 «Ахборот»... 8.25 Республика газеталарининг шарҳи... 17.10 -- 18.45 Туркия телевидениеси...

